

НАВОИЙ ВА АБАЙ ИЖОДИЙ ҒОЯЛАРИДАГИ МУШТАРАКЛИК

Иброҳим ЙЎЛДОШЕВ,

филология фанлари доктори, профессор

“Ўзбек тили ва уни ўқитиш методикаси” кафедраси мудири

Низомий номидаги ТДПУ

DOI: <https://doi.org/10.5281/zenodo.15256875>

Алишер Навоий нафақат ўзбек халқининг буюк мутафаккири, балки бутун туркий оламдаги буюк шахслардандир. Навоий қолдирган улкан адабий мерос бугун ҳам бутун жаҳон аҳлини ҳануз ҳайратга солиб, уларга илҳом ва маънавият булоғи бўлиб хизмат қилмоқда. Унинг ижодидан илҳом олмаган туркий дунё ижодкорлари бўлмаса керак. Қозоқ халқининг улуғ шоири, қозоқ классик адабиётининг асосчиси бўлмиш Абай ҳам Навоий билан ғойибона суҳбатлашган, ундан ғайрат, шижоат, илҳом олган. Навоий ва Абай қолдирган бадиий ижод намуналари умумжаҳон инсоний қадриятларининг шаклланиши ва такомил топишида катта ҳисса қўшган улкан адабий меросдир. Зотан, бугунги анжуманнинг ҳам асосий ғояси ва мақсади икки буюк мутафаккирнинг адабий мероси аҳамиятини яна бир бор эътироф ва идрок этишга йўналтирилгандир.

Навоий ва Абай яшаган даврлар турли замонларга тўғри келади. Алишер Навоий XV-XVI асрларда яшаб ижод қилган бўлса, Абай Қўнонбоев XIX-XX асрларда фаолият кўрсатган. Лекин уларнинг дунёни тасаввур қилиш, инсон ҳаётининг асосий мақсад ва моҳияти борасидаги қарашлари бир-бирига жуда яқин бўлган. Бунинг асосий сабаби - улар бу дунёни эзгулик ва яхшилик, саховат ва ҳиммат, илм ва фаровонлик, дўстлик ва бирдамлик, тинчлик ва озодлик дунёси деб билганлар. Ана шу ғоялар ҳар икки буюк ижодкорнинг асарларида бош мезон сифатида яққол кўзга ташланади. Бизнинг замондошимиз, ҳам ёзувчи, ҳам устоз профессор Қалдибек Сейданов бу ҳақда шундай ёзади: “Абай Қўнонбоевнинг Абай даражасига кўтарилиб, қозоқ поэзиясининг машъали, ёруғ юлдузига айланишида, айниқса, Шарқ шоирлари, жумладан, Алишер Навоий ижод дурдоналарининг таъсири беқиёс бўлган. Бу ҳақда Қозоғистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги, ёзувчи Ғабит Мусрепов: “Қозоқ халқининг инқилобдан аввалги адабиётига Ўрта Осиё классиклари асарларининг таъсири катта бўлган. Ўзбек халқининг донишманд шоири Алишер Навоийнинг асарларини ўқиб, ундан ўртак олмаган шоир кам. Классик



адабиётимизнинг буюк чўққиси – Абай ҳам Навоийни ўзига устоз деб билган, истеъдодига таъзим қилган”, дейди.

Шарқ шеърятидан таъсирланган ҳолда шеърлар битиш фақат Абайдагина эмас, балки XIX асарда яшаб ижод этган Шангерей, Шуртонбой, Оқон Сери, Шаади тўра Жангиров, Базор Жиров, Қорасоқол Эримбет, Қулинчоқ, Мали хўжа, Кенже хўжа каби қозоқ шоирларида ҳам кузатилган. Бироқ Абай Қўнонбоев улардан анча илгари кетади, Низомий, Навоий, Фузулий, Бобур асарларини чуқур ўрганиб, бадий бақувват асарлар, ажойиб дostonлар яратади”¹.

Навоий ҳам, Абай ҳам замон нуқтаи назаридан ўта мураккаб ва зиддиятга тўла бир замонда яшаб ижод этдилар. Навоий ҳаёти ва ижоди давомида ўзининг бош ғояси сифатида инсонни улуғлади, ҳақиқий инсонпарвар сифатида халқ манфаатини ҳар нарсадан устун қўйди. Навоий айтади:

Одами эрсанг, демагил одами,

Ониким йўқ халқ ғамидин ғами.

Дарҳақиқат, бу сўзлар буюк Навоийнинг бутун ижодий фаолияти учун етакчи шиор бўлиб қолди, ҳаётининг, умрининг мазмунига айланди. Навоий бир умр инсон учун қайғуриб яшади. Демак, Навоий ижодининг бош ғояси инсонни улуғлашдир.

Абай асарларини ўқисак, унда ҳам бош ғоялардан бири инсонпарварлик эканлигини яққол кўрамиз. Абай ёзади:

Отанг боласи бўлма, одам боласи бўл! Одам боласи – элнинг лоласи.

Абай ҳам ушбу сўзлари билан инсонпарварлик ғоясини илгари суради. Яъни, сен нафақат ўз оиланг, балки халқ учун хизмат қилгин, дейди.

Навоий асарларида меҳнатсеварлик, ҳалол меҳнат кишиси улуғланади, текинхўрлик эса кескин қораланади. Навоий айтади:

Умрни зое этма, меҳнат қил,

Меҳнатни саодатнинг калити бил.

Яъни, ҳар бир инсон ўз умрини кераксиз ишлар билан эмас, ҳалол меҳнат қилиш билан ўтказса, эртага фаровон ҳаёт кечиради, саодатли ҳаётнинг калити меҳнатдадир, дейди.

Абай ҳам ҳалол ва чин меҳнат қилишни улуғлайди: Буни ўзининг оддий сўзлари билан қуйидагича изоҳлайди:

Меҳнат қилсанг эринмай, қорнинг тўяр тиланмай.

Ёки:

¹ Сейданов Қ. Навоий ва Абай. “Жаҳон адабиёти” журнали, -2015. -№ 8.// <https://ziyouz.uz/ilm-va-fan/adabiyot/qaldibek-seydanov-navoiy-va-abay/>



Ёлғиз бошинг учун меҳнат қилсанг, ўз қорни учун ўтлаган хайвоннинг бири бўласан. Инсоний бурчинг учун меҳнат қилсанг, Олло таолонинг суйган бандаси бўласан.

Яхши маълумки, туркий ёзма адабиётда панд-насихат жанрининг асосчиси Юсуф Хос Ҳожиб саналади. Алишер Навоий ҳам, Абай ҳам ана шу қадимий анъанани давом эттиради. Навоийнинг ҳар бир асарида унинг намуналарини кўришимиз мумкин. Улар турли мавзуларга бағишлангандир. Навоий, айниқса, илм олиш борасида кўпроқ қайғуради:

**Йигитлиғда йиғ илмнинг махзани,
Қариллик чоғи сарф қилғил ани.**

Ёки:

**Илмни ким воситаи жоҳ этар,
Ўзинию халқни гумроҳ этар.**

Навоий умрининг сўнгги йилларида ёзган “Маҳбуб ул-қулуб” асарида ҳам илм олиш ва унинг аҳамияти ҳақида кўп ёзади. Хусусан, “Илм ўрганмоқ – динни мустаҳкам қилмоқ учун, аммо бойлик орттирмоқ учун эмас. Саховатсиз бой бамисоли ёмғирсиз булутга ўхшайди. Илмига амал қилмаган олим эса устига китоб ортилган хайвонга ўхшайди” деб, қайғуради. Байт:

**Эр кишига зебу зийнат ҳикмату донишдир,
Яхши кўйлак эса хотинлар учун безакдир.**

Яъни,

**Эр кишига зебу зийнат илму ҳикматдир,
Яхши киймоқ эса хотинлар учун безакдир, дейди.**

Абай асарларида ҳам айнан илм ўрганишни тарғиб қилувчи кўплаб ибратли ўғитларни кўрамиз. Абай ижодининг катта қисмини халқни илм олишга, маърифатли бўлишга ундовчи махсус “Нақлия сўзлар” мажмуаси ташкил этади. Ушбу асарда Абай инсон ҳаёти учун зарур бўлган илм-зиё, ақл, инсоф ва адолат, яхши хулқ, муомала одоби, дин, эътиқод, давлатни идора қилиш, халқ ва элатларнинг иноқ яшаши, уларнинг ўзаро дўстона муносабатда бўлиши кабилар ҳақида фикр-мулоҳазалар юритади. Абай халқпарвар ва маърифатпарвар шоир сифатида изтироб билан айтади:

Ўзи билан ёвлашган юртим, тингла!

Ўзи билан довлашган юртим, тингла!

Дардингга даво бўлсин ўланларим,

Бир-бирини овлашган юртим, тингла! -



деб, ўз халқини илм олишга чорлайди ва ҳар қандай тараққиётнинг замини илм билан боғлиқлигини таъкидлайди “Дунёдаги барча мавжуд ҳодисаларнинг сирини ҳеч бўлмаса юзакироқ бўлса ҳам билмаслик – бу инсонийликдан эмас. Шунинг ҳам билмагандан кейин, бу одам одам эмас, балки ҳайвондан ҳеч фарқи йўқдир”, дея қуюниб ёзади. Абайнинг ушбу “Нақлия сўзлар” асари ўзбек китобхони учун севимли ёзувчи Носир Фозилов таржимасида “Насихатлар” номи билан тақдим этилган ва у халқ орасида жуда машҳурдир. Абай ушбу асарида халқининг илм олишга чорловчи махсус бўлим яратади. Унда таъкидланишича; **“Илм олишни талаб қилган киши, аввало, уни билиши керак. Бунинг учун бир нечта шартлари бор. Буларни билмай туриб ўрганилган илм юкмайди”** дея, илм олишнинг олти шартини санаб ўтади. Илм ўрганишни истаган инсонларга панд-насихатлар қилади.

Ҳар икки буюк шахснинг асарларидан кўришиб турибдики, улар ижодининг бош ғояси инсонпарварлик, илм олиш ва меҳнатсеварликнинг улуғланишидадир. Зотан бугунги глобаллашув даври деб баҳоланаётган XXI асрда ҳам Навоий ва Абай томонидан ўз замонларида улуғланган бу ғоялар ҳануз ўз аҳамияти ва қимматини заррача бўлса ҳам йўқотмаган. Бугунги авлод Навоий ва Абай тимсолида буюк аجدодларидан ҳар қанча ўрнатқилиб, фахрлансалар арзийди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Сейданов Қ. Навоий ва Абай. “Жаҳон адабиёти” журнали, - 2015. -№ 8.// <https://ziyouz.uz/ilm-va-fan/adabiyot/qaldibek-seydanov-navoiy-va-abay/>
2. Abduvalitov E. The Effective Ways of Teaching the Literature of Fraternal Nations in General Secondary Schools. <http://dx.doi.org/10.47814/ijssrr.v6i6.1428>
3. Abduvalitov N. Ways of Teaching Samples of World Literature at Literature Classes by Grene Features. <http://ijmmu.com> editor@ijmmu.com ISSN 2364-5369 Volume 9, Issue 3 March, 2022 Pages: 219-223.
4. Nurjan B. Abduvalitov, Ergash B. Abduvalitov, Baurjan N. Sayfullaev. "Methods of comparative analysis in the study of samples of uzbek and world literature" <https://spast.org/techrep/article/view/4576>
5. Nurymbetovich, S. B. (2023). Dialectisms in the Language of Literary Works. *Central Asian Journal of Literature, Philosophy and Culture*, 4(6), 33-39. Retrieved from <https://cajipc.centralasianstudies.org/index.php/CAJLPC/article/view/893>
6. Yusupov B.B. Motherland and Patriotism in the Lyrics of Tulegen Aibergenov. <https://ijssrr.com/journal/issue/view/28>
7. Bazarbayeva Raykhan Abdimumin qyzy Socio-psychological bases of forming speaking competence based on students' creative thinking. Web of Scientists and Scholars: Journal of Multidisciplinary Research. <https://webofjournals.com/index.php/12/article/view/3485>

